


# ХАЛҚНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ

### БЕЛОРУССИЯ ССР

Минск «Интеграл» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги йиғилиш баланд руҳ билан ўтди. Йиғилиш аҳли Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига Октябрь сайлов округидан номзод қилиб **Константин Устинович Черненко** билан бирлашма гальваниги **Тамара Михайловна Безручкони** кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

СССР 50 йиллиги номидаги Гомель химия заводида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари **Николай Александрович Тихонов** билан завод аппаратчиси **Николай Фомич Лебедевни** Гомель сайлов округидан Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга бир овоздан қарор қилдилар.

Солигорск шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли «Белорускалий» ишлаб чиқариш бирлашмаси иккинчи кон бошқармаси ходимларининг йиғилиши Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига Солигорск шахтёр сайлов округидан **Дмитрий Фёдорович Устинов** билан кон комбайни машинисти **Владимир Васильевич Сероокий** номзодларини бир овоздан кўрсатдилар.

### ҚОЗОҒИСТОН ССР

Олмаотадаги Ф. Э. Дзержинский номли ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмаси коллективининг йиғилиши тантанали вазиятда ўтди. Йиғилиш иштирокчилари Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига Олмаота Саноат сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан С. М. Киров номли машинасозлик заводининг пармаловчиси **Валентина Алексеевна Алексеева** номзодларини кўрсатишга бир овоздан қарор қилдилар.

Олмаота область «Бахбахтинский» шоликорлик совхози меҳнатчиларининг бугунги йиғилишида Бахбахта ўрта мактабининг муаллимаси Ж. Б. Салмухамедова 30-Баканас сайлов округидан Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

— Республика меҳнаткашлари Д. А. Кунаев партиянинг таниқли арбоби эканини биладилар, — деди нотиқ. — Республика турмушидаги салмоқли социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар унинг номи билан боғланган. Бу ўзгаришлар ўтмишда сувсиз ва ҳосилсиз дашт бўлмиш Балхаш бўйлари мисолида ҳам яхши кўриниб турибди. Бу ерда ирригацияни кенг жорий қилиш туфайли интенсив шоликорликнинг катта зонаси вужудга келди. Обод ерларда барпо этилган совхозларда шинам посёлкалар қад кўтарди, асфальт йўллар, электр линиялари ўтказилди.

Қабул этилган қарорда йиғилиш қатнашчилари **Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаевни** бир овоздан Баканас сайлов округидан Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига биздан номзод бўлсин, деб айтдилар.

«Карагандауголь» бирлашмасига қарашли Т. Кузимбаев номли шахта коллективи ўз йиғилишида **Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев** билан тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Жанибай Игибаевни** Жданов сайлов округидан Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

### ГРУЗИЯ ССР

Тбилиси электр вагонремонт заводи коллективининг йиғилиши зўр активлик билан ўтди. Коллективнинг якдил фикри йиғилишда қабул этилган қарорда шундай ифодаланди: Грузия ССР Олий Совети депутатлигига Темир йўл сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан завод токари **Гиви Сергеевич Гачечиладзе** номзодлари кўрсатилсин.

Гори районидаги Бербуки сабзавотчилик совхози ишчи ва хизматчиларининг йиғилиши **Григорий Васильевич Романов** билан совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Арсен Захарович Голижашвилини** Хидистави сайлов округидан Грузия ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатишга бир овоздан қарор қилдилар.

### ОЗАРБАЙЖОН ССР

Нефть тошлари кон-шаҳрининг маданият уйида КПСС XXII съезди номли нефть-газ қазиб олиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда **Константин Устинович Черненко** билан бирлашманинг учинчи нефть кони нефть ва газ қазиш оператори **Мирзамурод Жалил ўғли Жалилов** Гурган сайлов округидан Озарбайжон ССР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатилди.

Бокудаги Октябрь революцияси номли вагон ремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишининг қатнашчилари Озарбайжон ССР Олий Совети депутатлигига Бокунинг Привокзал сайлов округидан **Гейдар Алиевич Алиев** билан Боку-Товар станцияси поездлар тузувчиси **Умуд Тураб ўғли Шукюров** номзодларини якдиллик билан кўрсатдилар.

### ЛИТВА ССР

Вильнюсдаги Октябрь 60 йиллиги номли радиоўлчов приборлари заводининг коллективи ўз йиғилишида **Константин Устинович Черненко** билан завод слесари **Ромуальдас-Альгирдас Ремигиевич Мацкявичюс** номзодларини Саноат сайлов округидан Литва ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

### МОЛДАВИЯ ССР

Кишинёв трактор заводида кўп кишилик йиғилиш бўлди. Бир овоздан қабул қилинган қарорда бундай дейилади: Молдавия ССР Олий Совети депутатлигига Чернишев сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан қуюв цехининг бригадири **Иван Профирович Морарь** номзодлари кўрсатилди.

### ЛАТВИЯ ССР

Ригадаги «Электромашиностроительний» заводи ишлаб чиқариш бирлашмасидаги йиғилишда **Константин Устинович Черненко** билан корхонанинг асбобсоз слесари **Константин Иванович Нюкша** Рига сайлов округидан Латвия ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин, деган қарор якдиллик билан қабул этилди.

### ҚИРҒИЗИСТОН ССР

М. В. Фрунзе номли Фрунзе қишлоқ хўжалик машиналари заводи коллективининг йиғилиши қатнашчилари Қирғизистон ССР Олий Совети депутатлигига Саноат сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан электр пайвандчилар бригадири, СССР Давлат мукофотининг лауреати **Барктабас Жапаров** номзодларини кўрсатишга бир овоздан қарор қилдилар.

Аламудин районидаги Стрельникова номли давлат наслчилик заводидаги йиғилиш Қирғизистон ССР Олий Совети депутатлигига Тошмўйноқ сайлов округидан **Михаил Сергеевич Горбачёв** билан хўжаликнинг сут соғувчиси **Гулнора Мундуспаева** номзодларини кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

### ТОЖИКИСТОН ССР

Н. К. Крупская номли Душанба шойи комбинатида кўп кишилик йиғилиш бўлди. Йиғилиш қатнашчилари **Константин Устинович Черненко** билан тўқувчи **Сабоҳат Мирзоражабовна Раҳимовани** Душанба шаҳрининг Темир йўл район Чкалов сайлов округидан Тожикистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

В. И. Ленин номидаги Қайроққум гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши ўтказилди. Тожикистон ССР Олий Совети депутатлигига Қайроққум сайлов округидан **Михаил Сергеевич Соломенцев** билан ип йигирувчи **Башорат Одиловна Қурбонованинг** номзодларини кўрсатишга бир овоздан қарор қабул қилинди.

### АРМАНИСТОН ССР

«Наирит» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективининг йиғилиши Ереван Комсомол округидан Арманистон ССР Олий Совети депутатлигига **Константин Устинович Черненко** билан бирлашма аппаратчилари бригадири, Арманистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси **Сурен Мартиросович Петросяннинг** номзодларини кўрсатиш ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ереван шина заводининг йиғилишида бир овоздан қабул қилинган қарорда Арманистон ССР Олий Совети депутатлигига Ереван-Гарибжанян сайлов округидан **Андрей Андреевич Громико** билан автопокришкалар йиғувчиси **Самсон Хачатурович Тонояннинг** номзодлари кўрсатилган, деб айтилган.

### ТУРКМАНИСТОН ССР

«Ашхабадхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасида коллективнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш **Константин Устинович Черненко** билан бирлашманинг уста нонвойи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Эсет Хамроевни** Институт сайлов округидан Туркманистон ССР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар қилиб кўрсатди.

### ЭСТОНИЯ ССР

«Эстонсланец» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Октябрь» сланец разрези коллективининг йиғилишида Эстония ССР Олий Совети депутатлигига Кохтла-Ярва-Жанубий сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан экскаватор машинисти **Майдо Альбертович Агур** номзодларини кўрсатишга якдиллик билан қарор қилинди.

* * *

Йиғилишларда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари ва округ сайловолди кенгашларига вакиллар сайланди, уларга кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш топширилди.

(ТАСС).

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

**◆ НОВГОРОД**

**«Волна» ишлаб чиқариш бирлашмасида фойдаланишга топширилган рангли тасвирдаги телевизорлар учун энергия блокларини йиғадиган линияни ҳақли равишда ўқувчилар конвейери деб аташади. Оталиқдаги 2-мактаб ўқувчилари ҳафтада бир марта бу ерда ишлаб берадилар. Бирлашмада ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Болалар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида ишчи касблари сирларини ўрганмоқдалар, маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашмоқдалар. Шу йилнинг ўзидагина ўқувчилар ишлаб топган қарийб олти минг сўм мактаб ҳисобига ўтказилди.**

**◆ КАЛУГА**

**Калуга областидаги қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари, «Сельхозтехника» район бирлашмалари, кўпгина колхоз ва совхозлар қошида механизаторларнинг умумий таълим курслари очилди. Икки минг киши машғулотларга киришди. Саноат корхоналарининг ишчи ёшларидан яна 500 нафари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрим-йиғимнинг қизғин вақтларида оталиқдаги хўжаликларда ишлаш учун иккинчи касбни эгаллаш истагини билдирди. Механизаторлар сафининг кенгайиши хўжаликнинг келгуси йил дала ишларида механизатор кадрларга бўлган талабини тўла-тўкис таъминлайди.**

**◆ ЮЖНО-САХАЛИНСК**

**Узоқ Шарқда нашр этилган «Кун чиқар томонда» фотоальбоми саҳифаларида Сахалин ва Курил оролларининг бутун гўзаллиги акс эттирилган. Ороллар ўлкасига бағишланган фотоповест вулканлар кўриниб турган зумраддек ям-яшил ерни ўраб олган чексиз денгиз кенгликлари панорамаси билан очилади. Альбом саҳифалари ер ости бойликлари ва табиат гўзаллиги ҳақида, бу ерда шаҳар ва поселкаларни бунёд этган кишилар тўғрисида ҳикоя қилади. Альбом ўлкада нефть, газ, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноатининг ривожи ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилади. Бу ерда ҳозир кўпгина иттифоқдош республикаларнинг вакиллари меҳнат қилмоқдалар. (ТАСС).**

# КРЕМЛДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 18 декабрь куни Кремлда Мальта Республикаси Бош министри Д. Минтофф билан учрашди.

Амалий ва дўстона суҳбат чоғида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар юзасидан, шунингдек Совет — Мальта муносабатларига доир баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Иккала томон дунёда хатарли кескинлик сақланиб қолаётганлиги хусусида хавотирлик ва шу муносабат билан барча тинчликсевар давлатлар ядро уруши хавфига қарши, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун актив ҳаракат қилишлари зарурлигига комил ишонч билдирилди.

А. А. Громико Совет Иттифоқининг маълум ташқи сиёсий ташаббусларига эътиборни жалб қилди. Бу ташаббуслар ана шу мақсадга эришишга қаратилгандир. А. А. Громико ядровий ва космик қуролларга тааллуқли масалалар юзасидан яна музокараларга киришиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган келишувнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтди.

Стокгольм конференциясида Европада ва жумладан Ўрта денгиз районида ишонч ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг бир-бирини тўлдирувчи сиёсий, халқаро ҳуқуқий ва ҳарбий-техника тадбирлари юзасидан жиддий аҳдлашувларга эришишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар Ўрта денгиз районидаги мавжуд кескинликни бартараф этиш ишида манфаатдор давлатларнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини ҳамда бу районнинг тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантирилишини ёқлаб чиқдилар. Улар халқаро ишларда ҳозирдаёқ ўзини оқлаган ҳарбий соҳадаги ишонч тадбирларини Ўрта денгизнинг шу районига ёйиш, бу районда қуролли кучларни келишиб олиб, қисқартириш керак, деган фикрни билдирдилар.

А. А. Громико Совет Иттифоқи Мальта ҳукуматининг бетарафлик ва қўшилмаслик, кескинликни юмшатиш ва ўзаро манфаатли тинч ҳамкорлик сиёсатига содиқ эканлиги тўғрисидаги баёнотини мамнуният билан қабул қилажагини қайд этиб ўтди.

А. А. Громико билан Д. Минтофф сиёсий, савдо- иқтисодий соҳалар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли Совет — Мальта алоқаларини тинмай ривожлантириш кераклигини ёқлаб гапирдилар. (ТАСС).

# ТЎПЛАМ НАШР ЭТИЛДИ

«В. И. Ленин, КПСС миллатчиликка қарши кураш тўғрисида» тўпламининг учинчи, тўлдирилган нашри босмадан чиқди.

Тўпламга киритилган В. И. Ленин асарлари, КПСС ҳужжатлари буржуа миллатчилигининг реакцион моҳиятини ва сиёсий зарарлигини ишонтирарли тарзда фош этади. В. И. Ленин миллатчиликни буржуазия ғоявий аслаҳахонасидаги энг хатарли қуроллардан бири, деб ҳисоблаган эди. Эндиликда буржуа миллатчилиги антикоммунизм ва антисоветизмни сингдириб олган турли идеологик оқимлар учун муштарак ғоявий негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам миллатчиликка ҳамда унинг кўринишларига қарши кураш шу қадар актуал ва муҳимдир.

Учинчи нашрда «В. И. Ленин миллатчиликнинг оппортунизм билан бирлашуви алоҳида хатарли эканлиги тўғрисида» деган янги бўлим бор. Тўплам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг, партия бошқа арбобларининг нутқлари билан, шунингдек марказий партия ташкилотларининг янги ҳужжатлари ва материаллари билан тўлдирилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

## ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

# МАНФААТЛАР МУШТАРАК

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида қўйилган оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткашларда актив позицияни шакллантиришга қаратилган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини янада юқори поғонага кўтариш вазифаси областимиз партия ташкилотларининг энг муҳим ишига айланиб қолди.

Улар ана шу долзарб масалани ҳал этишда қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу ишга барча идеология ходимлари жалб этилган бўлиб, улар ўз фаолиятларида оммага идеологик таъсир ўтказишнинг турли форма ва методларидан самарали фойдаланишяпти. Оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларимизнинг ижобий натижаси область ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва хўжаликлари қўлга киритаётган меҳнат ютуқларида яққол намоён бўлаётир. Энг муҳими, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш активлиги ўсиб, ҳаётий позицияси мустаҳкамланяпти. Саноат корхоналарида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Меҳнаткашлар коллектив манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйишга, корхона ёки хўжалик иши учун жон куйдиришга одатланмоқдалар. Областимизда ўтказилаётган ягона сиёсий кунларда тушаётган таклиф, мулоҳаза ва саволларнинг мазмуни кейинги пайтда кўпроқ ишлаб чиқариш характерига эга бўлаётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Сентябрь ойида бўлиб ўтган «Ягона сиёсий кун»да 162-қурилиш тресги ишчилари Андижон шаҳар партия комитетидан қурилиш ташкилотига ишлаб чиқариш базаси қуриш учун ер ажратиб беришни сўрадилар. База қурилиши ташкилот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда сўзсиз катта роль ўйнайди. Шаҳар партия комитети бу талаб оператив бажарилишида яқиндан ёрдам берди. Лойиҳа-смета нархи 3 миллион сўм бўлган замонавий ишлаб чиқариш базаси қурилиши бошланди.

Ҳозирги пайтда 20 дан ортиқ корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий қилинган. Сифат учун катта кураш кетаётгани айни вақтда айрим корхона ва ташкилотларда планларнинг бажарилмаганлиги, сифатсиз маҳсулот чиқарилаётганлиги меҳнаткашларни ташвишга солмоқда. Жумладан, гўшт-мой комбинатида ана шундай салбий холатлар юз беряпти. Комбинатда бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда ишчилар корхонани реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этиш зарурлигини ҳақли талаб қилишди. Коллективнинг бу фикри республика тармоқ министрлиги эътиборига ҳавола қилинди. Министрлик ходимлари комбинатда бўлишди ва ҳозирги пайтда корхонани реконструкция қилиш, янги техника билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал қилинаётир.

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг 8-бригадаси территориясидан «Бойтоқ» канали ўтган. Хўжалик аъзолари ана шу канал устига кўприк қуришни таклиф қилишди. Бу дала билан пахта пункти орасидаги масофани анча қисқартиради. Қолаверса, колхозчилар учун ҳам қулай бўлади. Ушбу масала ҳозир хўжалик ва район раҳбарларининг диққат марказида турибди.

Шунингдек, ягона сиёсий кунларда маданий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, ободонлаштириш, мактаблар, болалар боғчалари қуриш ҳақида ҳам кўплаб талаблар тушяпти. Пахтаобод районидаги Бўстон посёлкасида марказлашган иситгич системаси, Ильичевск шаҳрида стадион қуриш масалалари шулар жумласидандир.

Афуски, савдо ва маиший хизмат соҳаларида ҳануз давом этаётган камчиликлар меҳнаткашларни ҳамон ранжитмоқда. Ягона сиёсий кунларда меҳнаткашлар олдида сўзга чиққан партия, совет ходимлари, депутатларга савдо хизматидан норозиликлар баён қилиняпти. Жумладан, Пахтаобод районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари савдо дўконларида харидорбоп моллар, айниқса, болалар кийим-бошлари йўқлигидан шикоят қилишди.

Область партия комитети ягона сиёсий кунларни уюшқоқлик ва кўтаринки сиёсий руҳда ўтказишга алоҳида аҳамият бермоқда. Меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлишнинг, улар билан ҳамжиҳат иш кўришнинг қулай формаларидан бири бўлган бу тадбирларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумий ишимиз ривожига самарали таъсир этаётир.

Шу боисдан ҳам область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, меҳнаткашларнинг қалбдан чиқаётган сўзларига доимо қулоқ солиб ишлашга интилмоқда. Зеро, партия билан халқ манфаати ягона муштаракдир.

**О. ОХУНОВ,**
**Андижон область партия комитетининг инструктори.**

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

18 декабрь куни СССР ҳукумати Катта Кремль саройида Мальта Республикасининг Бош министри Доминик Минтофф шарафига зиёфат берди.

Д. Минтоффнинг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган Мальта расмий кишилари у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Г. А. Алиев, А. А. Громико, П. Н. Демичев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Н. А. Тихонов билан Д. Минтофф нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## ЯНГИ ҚУРИЛМА

**◆ «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида станоклар учун рақамли программа билан бошқариш системалари комплектларининг биринчи тўпи тайёрланди. Шундай қурилма билан таъминланган станок деталларни автомат тарзда пармалайди ёки йўнади. Электротехниклар йил охиригача 400 та серунум комплект ишлаб чиқариш ниятидадирлар.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

**ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев 19 декабрда Британия парламентида лейбористлар партиясининг бошлиғи Н. Киннок ва лейбористларнинг «эҳтиётдаги» ташқи ишлар министри Д. Хили билан учрашди.

Халқаро аҳволга, Совет — Британия муносабатларига доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Н. Киннок лейбористлар партиясининг шу соҳалардаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. У яқинда Москвада ўртоқ К. У. Черненко билан учрашувлари ҳамда у билан ўтказилган суҳбатларини самимийлик билан эсга олди. Н. Киннок ана шу суҳбатларни лейбористлар партиясининг аъзолари маъқуллаб кутиб олганликларини таъкидлади.

Фикрлашиб олиш чоғида космосни ҳарбийлаштирмаслик ва ядро қуролларини қисқартириш проблемасига нисбатан қарашларнинг яқинлиги тасдиқланди. Совет томони СССР АҚШ билан бўлажак музокараларга ғоят жиддий аҳамият бераётганлигини ва ҳозирги шароитда космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш айниқса муҳим, деб ҳисоблаётганлигини таъкидлади.

Ҳозирги халқаро вазият уруш хавфининг олдини олиш ишига ишчилар ҳаракати ва барча тараққийпарвар тинчликсевар кучларнинг актив ҳисса қўшишларини ниҳоятда қатъий талаб этаётганлигига ҳар иккала томон комил ишонч билдирди.

Шу куни М. С. Горбачев либерал партия бошлиғи Д. Стил ва социал-демократик партия бошлиғи Д. Оуэн билан учрашди. Суҳбат халқаро масалаларга, жумладан қуролланиш пойгасини чеклаш проблемасига, шунингдек икки томонлама Совет—Британия муносабатларига тааллуқли бўлди.

Кечқурун Лондондаги «Колизеум» театрида делегация шарафига Моцартнинг «Ҳамма аёллар шундай қилишади» операсининг тантанали томошаси кўрсатилди.

## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАЯНЧИ

КОБУЛ. (ТАСС). АДРнинг энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилоти бўлмиш Миллий Ватан фронти (МВФ) Афғонистон Халқ демократик партияси ва ҳукумати ўртага қўйган вазифаларни бажаришга халқни сафарбар этишда катта роль ўйнамоқда. Бу фронт мамлакат ватанпарварларини, барча миллатлар, элатлар ва қабилаларнинг вакилларини ўз сафларига бирлаштирган. АХДП Марказий Комитети АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд МВФ Марказий Кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари билан учрашувда шу гапларни айтди. У аҳоли барча табақалари вакиллари бирлигини янада мустаҳкамлаш ва Апрель инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилиш муҳимлигини уқтирди.

С. А. Кештманд Миллий Ватан фронти халқ ҳокимиятининг асосий таянчи бўлиб қолмоғи керак, деди.

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Ҳиндистонда парламентнинг халқ (қуйи) палатасида бўлажак сайловга тайёргарлик якунловчи босқичга кирди. 20 та штат ва 9 та иттифоқ территориясидаги сайлов округларида овоз бериш 24 декабрда бошланиб 28 декабрда ниҳоясига етади. Турли сиёсий партиялардан кўрсатилган 5.000 дан зиёд номзоддан мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органига 514 депутат сайланади.

Ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресс (И) партияси сайловолди кампаниясини активлик билан ўтказмоқда. Бу партия халқ палатасида жами 496 ўринни эгаллаш учун даъвогарлик қилмоқда. Маҳаллий обзорчилар эътиборни шунга жалб қилмоқдаларки, оппозициячи партиялар орасида ҲМК(И)нинг бош рақиблари ўз кучларини жипслаштиришга ва кенг кўламдаги сайловолди битимларига эришишга муваффақ бўла олмадилар. ҲМК(И)нинг асосий рақиби — Бхаратия жаната партия (БЖП) фақат 222 номзод кўрсатди.

ҲМК(И) «Миллий бирликни ва Ҳиндистоннинг территориал бутунлигини сақлаб қолайлик», деган асосий шиор билан сайловни кутиб олмоқда. Душман ташқи кучларининг Ҳиндистон чегараларида ҳарбий тайёргарликларни авж олдириш, мамлакатнинг бир қанча районларида чет эллардан мадад олаётган диний-жамоа, шовинистик ва сепаратчи гуруҳларнинг кирдикорларини кучайтириш йўли билан Ҳиндистонга тазйиқ ўтказишга уринишлари тўхтовсиз давом этаётганлиги бу шиорнинг актуаллигидан далолат беради. Ҳиндистон Бош министри, ҲМК(И) раиси Ражив Ганди сайловолди митингларида сўзлаётга нутқларида ана шу хатарли кирдикорларга зарба бериш ғоят зарур эканлигини таъкидламоқда. Р. Ганди шу ой бошидан буён 230 та савлов округида бўлиб, сал кам 140 митингда сўзга чиқди.

Кейинги кунларда жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоблар ҲМК(И)нинг сайловчилар ўртасидаги мавқеи мустаҳкам эканлигини кўрсатди. (ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● БЕРЛИН. Республиканинг саноат комбинатлари ва йирик қурилишларида бўлиб ўтган 845 конференциянинг қатнашчилари ГБСП XI съездига кўрилаётган тайёргарликка эркин немис касаба союзлари бирлашмаси аъзоларининг ҳиссасини муҳокама қилдилар. Шу билан эркин немис касаба союзлари бирлашмасида касаба союз сайловининг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди. Шу босқич давомида жумладан ГДР ишчилар синфи партиясининг XI съезди шарафига меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш вазифалари кўриб чиқилди. Конференцияларнинг қатнашчилари ҳисобот даврида касаба союзлари фаолиятининг якунларини ҳам чиқардилар, раҳбарлик органларининг янги составини сайладилар.**

**● ВЕНА. Австрия жамоатчилигининг 200 дан кўпроқ вакили — парламент аъзолари, касаба союз активлари, корхоналардаги ишлаб чиқариш кенгашларининг аъзолари, публицистлар баёнот эълон қилиб, унда Қўшма Штатлар Никарагуа халқига қарши олиб бораётган эълон қилинмаган урушни қатъиян қоралайдилар. Вашингтон Никарагуа халқини яна уруш ва қашшоқликка дучор этиш, унинг демократик ва социал ғалабаларини тугатиш, янги жамият қурилишига тўсқинлик қилиш мақсадини кўзламоқда, деб таъкидланади баёнотда.**

**● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон хавфсизлик кучлари Панжоб штатида 4 нафар қуролли диверсантни қамоққа олди, деб хабар қилади ПТИ агентлиги. Бандитлардан Покистонда ишлаб чиқарилган ўқ отиш қуроли, ўқ-дорилар ва кўп миқдордаги қўл гранаталари мусодара қилинди. Панжоб полициясининг маълумотларига кўра, сикх сепаратчилари Покистон махсус хизмат маҳкамаларининг буйруғи билан Амритсар шаҳрида ва Панжобдаги бошқа аҳоли пунктларида бир қанча террорчилик хуружларини амалга оширишга ҳозирлик кўришган.**

(ТАСС).

## МАШЪУМ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ. (ТАСС). МБРнинг Покистон территориясидаги марказларида афғон аксилинқилобчилари муртадларининг шайкаларини тайёрлаш чоғида кучли таъсир қиладиган химиявий препаратлардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай препаратлар киши руҳиятига таъсир қилиб, энг разил инстинктларни авж олдиради ҳамда одамларни телба ва шафқатсиз қотиллар ва зулмкорларга айлантириб қўяди. Ҳиндистонда чиқадиган ҳафталик «Блитц» газетасининг хабар қилишича, АҚШнинг жосуслик маҳкамаси кишилар устида экспериментлар ўтказиш учун жалб қилган Америка «медиклари»дан бир группаси душманларнинг лагерларида маҳфий программани амалга оширмоқда. Бу программадан кузатилган мақсад ёлланган сотқинларни революцион Афғонистон душманларининг жиноий режаларини кўр-кўрона ижро этувчи кишиларга айлантириб қўйишдан, Афғонистон территориясида хотин-қизлар, болалар ва қариялардан ўч олиш чоғида уларга йиртқичларча шафқатсизликни сингдиришдан иборатдир.

Бунда МРБ мутахассислари Қўшма Штатларнинг ўз аҳолиси устида ўтказилган жиноий тажрибалар давомида олинган маълумотлардан фойдаланмоқдалар деб таъкидлайди «Блитц» газетаси. Қўшма Штатлар узоқ вақтдан буён қонунларга ва инсоний ахлоқнинг барча нормаларига хилоф равишда у ерда 8 та тадқиқот марказида иш олиб бормоқда. Ҳиндистон матбуотининг маълумотига кўра, қарийб ўттиз йилдан буён дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам МРБ раҳбарлигида одамлар устида экспериментлар ўтказиб келинмоқда, МРБ бу экспериментларга неча ўн миллионлаб доллар маблағ сарфлади.

Жумладан, Покистон территорияси, деб давом қилади «Блитц» газетаси, АҚШ махсус хизмат маҳкамаларининг манфаатларини кўзлаб жиноий медицина тажрибалари ва инсон ҳаёти учун хатарли бўлган бошқа тажрибалар ўтказиладиган жуда катта полигонга айлантириб қўйилган. Бунда Покистоннинг минглаб аҳолисидан синовлар ўтказиш учун фойдаланилмоқда. Чунончи, 1980 йилнинг августидан буён Покистонда химиявий ва бактериологик қуролнинг янги турларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган АҚШ бактериология хизмати маркази батамом маҳфий шароитда ишлаб турибди. Бу ерда маълум бўлишича, америкалик қотил врачлар Лоҳурдаги тадқиқот марказида ҳам жиноий ишлар билан шуғулланмоқдалар. Улар шу марказда «расмий консультантлар» сифатида иш кўрмоқдалар. Бу қотил врачлар жуда маҳфий шароитда бактерияларнинг янги турларини, шунингдек, масалан, сариқ касал ёки безгак каби хавфли касалликларни тарқатувчи микробларни чиқармоқдалар.

Одамларни ёппасига қиришнинг янги воситаларини яратишда Вашингтоннинг Исломобод билан машъум ҳамкорлиги, Покистон территориясида шафқатсиз қотиллар ва зулмкорлар тайёрланиб, у ердан АДРга ташланмаётганлиги АҚШнинг региондаги энг хатарли режаларини итоатгўй ижрочиларига айланиб қолган Исломобод маъмурларининг авантюризмини батамом фош қилади.

